O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT MILLIY KUTUBXONASI INV.№

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 2 март, шанба № 27 (1603). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 2 марта, 2002 год № 27 (1603). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

„Марказий Осиё ҳамкорлиги“ ташкилоти тузилди

Алмати. 28 февраль. ЎзА махсус мухбири А. БОБОЕВ хабар қилади.

Бугун бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар минтақадаги вазият, интеграция жараёнларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият, ғайриқонуний муҳожирлик, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди. Томонлар иқтисодиётнинг ўта муҳим тармоқларида эркин савдо зоналарини шакллантиришни тезлаштириш, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштириш, сув захираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди.

Музокаралар якунида Президентлар «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

Маълумки, бу катта ўзгаришга Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган йилнинг декабрь ойида Тошкентда асос солинган эди. Алматида имзоланган ҳужжат Президентларнинг Тошкентда қабул қилган Баёнотининг амалий натижаси бўлди.

Шунингдек, «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотининг миллий мувофиқлаштирувчилари тўғрисида низом қабул қилинди. Ислом Каримов мазкур ташкилотга раис этиб сайланди.

МДҲ раҳбарлари саммити доирасидаги музокаралар эртага бўлиб ўтади.

(ЎзА).

МДҲнинг норасмий саммити

Алмати. 1 март. ЎзА махсус мухбири А. БОБОЕВ хабар қилади.

Бугун Қозоғистоннинг Алмати шаҳри яқинидаги «Чимбулоқ» соғломлаштириш мажмуида МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокараларда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари Ҳамдўстликда иқтисодий интеграция жараёнларини янада фаоллаштириш масаласи юзасидан атрофлича фикр алмашди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу масалага муносабат ҳар хил, таклиф ва мулоҳазалар ҳам турлича. Лекин, энг муҳими, ҳар бир президент иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тарафдоридир.

Тоғли «Чимбулоқ»да давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан учрашди. Учрашувларда энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Алмати сафари ниҳоясига етди.

(ЎзА).

Ҳамфикрлик тараққиётга етаклайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 февраль — 1 март кунлари Марказий Осиё давлатлари ҳамда МДҲнинг Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтган саммитларида иштирок этди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг учрашуви «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини расмийлаштириш билан якунланди. Таъкидланганидек, тўрт президентнинг ўтган йилнинг декабрида бўлган Тошкент учрашувида эришилган келишув Алматида ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббуснинг эгаси — Ислом Каримов ҳақли равишда янги ташкилотга раис этиб сайланди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ўзгариши билан бу тўрт мамлакат олдида янги имкониятлар пайдо бўлди. У энди нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа турдаги алоқалар кўламини кенгайтиришга йўл очади.

Янги ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бюрократик тузилма бўлмайди. Ҳар бир аъзо мамлакатдан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот берадиган биттадан мувофиқлаштирувчи вакил тайинланади. Улар ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аъзо мамлакатларнинг интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасидаги нуқтаи назарларини яқинлаштириш ва мослаштириш, турли вазирлик ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазиятни таҳлил этиш билан шуғулланади.

Мисол тариқасида МДҲни келтириш мумкин. Ҳамдўстликнинг турли органларида икки мингга яқин ходим ишлайди. Лекин самара кутилганидек эмас. «Марказий Осиё ҳамкорлиги»да эса асосан тўртта миллий мувофиқлаштирувчи вакил фаолият юритади, холос. Қолган ишларни ташқи сиёсат маҳкамаларининг тегишли ходимлари, ўзаро ҳамкорликка алоқадор бошқа вазирлик ва муассасалар бажараверади.

Шунинг қилиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» зиммасига минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш вазифаси юкланмоқда. Табиийки, энди у томонларга хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам баҳамжиҳат иш кўришга тўла ҳуқуқ беради. Аъзо мамлакатлар террор, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, ғайриқонуний миграция, наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, бир-бирига ёрдам беради.

Саммитда таъкидлангани-дек, минтақада савдо-сотиқ, коммуникация, сайёҳлик каби соҳаларда ягона инфратузилмаларни шакллантириш лозим. Бу глобаллашув жараёнида фақат фойда келтиради. Ислом Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледастурлар намойиш қилиш таклифини ҳам илгари сурди. Бу халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга, қўшнининг ҳолидан бохабар бўлиб туришга, шунингдек, давлатлар ўртасида очиқ мулоқотлар пайдо бўлишига олиб келади. Демак, ўзаро ишонч янада мустаҳкамланади. Бу эса ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг асосий омилидир.

Ислом Каримов Қозоғистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг норасмий саммитида ҳам иштирок этди. Президентлар Алмати шаҳри яқинидаги «Чимбулоқ» соғломлаштириш мажмуида учрашди. Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокараларда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари Ҳамдўстликда иқтисодий интеграция жараёнларини янада фаоллаштириш масаласи юзасидан атрофлича фикр алмашди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу масалага муносабат ҳар хил, таклиф ва мулоҳазалар ҳам турлича. Лекин, энг муҳими, ҳар бир президент иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тарафдоридир.

Тоғли «Чимбулоқ»да давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан учрашди. Учрашувда энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

А. БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Алмати — Тошкент.

Хорижий инвестициялар—муваффақият гарови

Ўзбекистон Республикаси енгил саноати мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Турли йилларда енгил саноат корхоналари мамлакат бюджети даромадининг 25—28 фоизини ташкил қилди. Енгил саноат тармоғи «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасига бирлашган 15 та кичик соҳа ва 102 та йирик корхонадан иборат. Мазкур уюшма пахта толасини қайта ишлайди ва йилига 130 минг тонна йигирилган ип, 500 миллион квадрат метр газлама, 2,5 миллион квадрат метр гилам, 62,1 миллион дона трикотаж маҳсулоти, 32 миллион жуфт пайпоқ, турли хил тикувчилик буюмлари, чинни идишлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бугунги кунда республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, енгил ва тўқимачилик саноатида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилянти. Ушбу ислоҳотлар асосида енгил саноат корхоналарини давлат тасаррафидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида қарор қабул қилиниб, қатор муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

— Енгил саноатни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, республикамизда йирик хомашё базаси мавжудлиги тармоқда ислоҳотларни янада жадаллаштиришга ёрдам берди ва биринчи навбатда, бозор муносабатларига ўтиш масаласига жиддий эътибор қаратилди, — дейди ЎзА мухбири билан бўлган суҳбатда «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси раиси Ботир Эргашев.

— Давлатимиз раҳбари иқтисодиётга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш лозимлигига бир неча бор эътибор қаратди. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, етакчи соҳаларда хорижий инвестицияларнинг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартириш ва замонавийлаштириш, корхоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

1991 йилгача республикамизда 4 та йирик тўқимачилик мажмуи — Тошкент, Бухоро, Андижон ва Фарғона комбинатлари барпо этилган бўлса, кейинги беш йил ичида 11 та йирик пахтани қайта ишлаш корхонаси, яъни «Кабул — Ўзбек Ко» қўшма корхонасига бирлашган Тўйтепа шаҳри ва Тошкентнинг Кўкча мавзесида 2 та йирик корхона, «Косонсой-текмен», «Папфен» қўшма корхоналари, «Намангантўқимачи», «Қаштекс», «Гурлан», «Антекс» акционерлик жамиятлари, «Аснамтекстиль» қўшма корхонаси, крахмал ишлаб чиқариш заводи, «Қоракўлтекс» ва «Мидатекс» қўшма корхоналари фойдаланишга топширилди. Ушбу корхоналардаги инвестицияларнинг умумий миқдори 420,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўтган йили енгил саноат тизимида инвестиция дастури муваффақиятли амалга оширилди. Умумий қиймати 248,1 миллион долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида йирик тўқимачилик мажмуалари — Фарғона шаҳридаги «Кабул — Фарғона Ко» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси, Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги «Чиноз тўқимачи» Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонаси барпо этилиб, Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Наврўз байрами арафасида эса Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарадиган яна бир янги «Оқсарой тўқимачи» қўшма корхонаси ҳам фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, «Хива гиламлари», акционерлик жамияти негизида йилига 2,3 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқариш қувватига эга «Хива карпет» қўшма корхонаси, Фарғона вилоятида йилига 6,8 минг тонна йигирилган ип ишлаб чиқарадиган «Бестекс» қўшма корхонасини қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жанубий Корея ва Япония ишбилармонлари билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Бўка шаҳрида ҳамда Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги қурилиши тугатилмаган объектларда қўшма корхоналар барпо этиш бўйича лойиҳаларни тайёрлаш ишлари ҳам бошланди.

Кейинги беш йил ичида тизимни такомиллаштириш мақсадида тармоққа қиймати 562,6 миллион АҚШ долларидан ошиқ инвестициялар жалб қилинди. Бунинг натижасида 2001 йилда 136,1 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Юртбошимиз «Кабул — Фарғона Ко» қўшма корхонаси очилишида сўзлаган нутқида:

«Бугунги кунда фақат хомашё эмас, аввало, шу хомашёдан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни хорижга сотиш ва шунинг ҳисобидан, биринчидан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтириш, бунинг натижасида эса катта даромад топиш, иккинчидан, ўз юртимизда, ўз Ватанимизда янги иш жойларини ташкил қилиш, ишсизликни кескин камайтириш муаммосини ечишга эриша оламиз.

Агар биз мана шундай замонавий, юксак технологиялар, энг илғор дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни қуриб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришсак, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, фақатгина пахта хомашёсидан оладиган соф фойда миқдорини етти-саккиз карра кўпайтириш ва хазинамизни экспорт ҳисобидан қаттиқ валюта билан тўлдириш, ҳаётимизни янада тўқ ва фаровон қилиш имкониятига эга бўламиз», — деб таъкидлаган эди.

Шу боис соҳа олдига яқин беш йил ичида пахта толасини қайта ишлашни янада кўпайтиришга эришиш ва экспорт ҳажмини 2005 йилда 550 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилди.

М. БОЛЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

„Камолот“ марказий кенгаши йиғилиши

Тошкентда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий кенгаш раиси Б. Убайдуллаев бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, 2001 йил 25 апрелда бўлиб ўтган Таъсис қурилтойи қарори билан ташкил топган ҳаракат ўз олдига мамлакатимиз ёшларини соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, навқирон авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ақл-заковатини, куч-ғайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиш сингари эзгу вазифаларни бош мақсад этиб белгилаган эди.

Ўтган даврда ҳаракатнинг қуйи тизимларини ташкил этиш, шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишлари асосий эътиборда бўлди. Ташкилотни ёшлар оммасига яқиндан танитиш ва шу йўл билан аъзоликка жалб қилиш мақсадида кенг оммавий-маданий тадбирлар ўтказилди. Бундай тадбирлар жараёнида ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари атрофлича тарғиб этилди.

Бугунга келиб ҳаракатнинг 14 та вилоят, 209 та туман, шаҳар бўлимлари ва 20 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти тузилиб, уларга бирлашган аъзолар сони 4 миллион нафардан ошди.

Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари ва ёшлар етакчиларининг ўқув юртлари, ташкилот, корхона, муассасалар ҳаётидаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда ташкилот фаоллари аралашуви натижасида вақтинча ишсиз бўлган йигирма беш мингдан зиёд йигит-қиз, бевосита ҳаракат ёрдами билан эса 3486 нафар ёш иш билан таъминланди.

352 нафар талабага олий ўқув юртларида таҳсил олиш учун, юзга яқин ёшга кичик ва ўрта бизнес корхоналарини очиш ёки фаолиятини ривожлантириш учун банклардан кредит олишда кўмаклашилди.

Йиғилишда ўтган даврда амалга оширилган ишлар билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан ҳам фикрлашилди. Ҳаракатнинг кейинги фаолиятида ёшлар манфаатини муҳофазалаш, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, жамиятимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш, умуман олганда, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи бўлиш учун амалга оширилиши зарур вазифалар белгиланди. Бу борада турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Механик-ҳайдовчи вазифасида хизмат қилаётган оддий аскар Зафар Нодировнинг яқинда йигитлик бурчини ўтай бошлаганига бир йил тўлади. Она юртнинг бу мард ҳимоячиси айни қишки ўқув марсумида илғорликни қўлдан бермай, Қасамёдига, бурчига содиқлигини намоён этмоқда.

К. ТЎРАЕВ суратга олган.

● ПРИЗЫВ-2002

В армию—лучших

В Центральном Доме офицеров состоялось совещание по вопросам предстоящего призыва граждан в Вооруженные Силы Республики Узбекистан.

В его работе приняли участие представители аппарата Совета Национальной Безопасности при Президенте Республики Узбекистан, руководящий состав Министерства обороны, МВД, МЧС, КОГГ, правоохранительных органов, Министерства здравоохранения, заместитель Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, заместители хокимов областей и г. Ташкента и другие заинтересованные в качественном проведении весеннего призыва в Вооруженные Силы общественные и государственные организации. Вел совещание заместитель Министра обороны Республики Узбекистан по воспитательной работе полковник М. Ахмедов.

С докладом «О задачах по проведению призыва граждан на срочную военную и альтернативную службу и качественному комплектованию Вооруженных Сил молодым пополнением весной 2002 года» выступил Министр обороны Республики Узбекистан К. Гуламов.

Первый заместитель Военного прокурора Республики Узбекистан полковник юстиции Ш. Узаков проанализировал соблюдение требований законов Республики Узбекистан при проведении призыва. Председатель Ташкентской областной комиссии — заместитель хокима столичной области А. Рахимбердиев рассказал о принимаемых в вилояте мерах по улучшению организации и проведения призыва граждан. Представитель КОГГ подполковник Н. Мамашарипов поделился опытом качественного комплектования частей пограничных войск. Начальник управления призывной молодежи Министерства здравоохранения С. Джумабаев обратил внимание на необходимость совершенствования деятельности медицинских комиссий, обеспечения их необходимым имуществом и высококвалифицированными врачами.

Подводя итоги совещания, Министр обороны Республики Узбекистан К. Гуламов отметил, что в настоящее время в Узбекистане есть все условия для того, чтобы обеспечить Вооруженные Силы молодым пополнением, полностью отвечающим всем современным требованиям, предъявляемым к вооруженному защитнику Родины. Дело за конкретной организаторской работой тех должностных лиц, от которых зависит, кто придет в подразделения и части, кому будет доверена высокая честь быть защитником нашего независимого государства. Армия должна стать школой патриотизма и преданности идеям независимости, а те, кто проходят в ней службу — примером для молодежи. Сегодня, когда престиж военной службы в глазах народа растет с каждым днем, на нее должны призываться самые лучшие, самые достойные юноши, готовые взять на себя ответственность за обеспечение мирной жизни народа и великого будущего Узбекистана.

Подполковник
В. КАЛОШИН,
корр. «Ватанпарвара».

● БУГУН ЎЗБЕКИСТОН БМТГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ

МАВҚЕИМИЗ ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ

Бугун Ўзбекистоннинг Бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо бўлганига роппа-роса ўн йил тўлди. 1992 йилнинг 2 мартигача мазкур халқаро ташкилотнинг аъзолари 166 та давлатдан иборат эди. Баҳорнинг ана шу илк кунларида Ўзбекистон давлатининг байроғи нуфузли ташкилот қароргоҳида ҳилпиради.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирган йилидаёқ унинг ихтисослашган йирик ташкилоти — Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЮССТ)га ҳам қўшилди. Маълумки, 1948 йилнинг 7 апрелидан бери фаолият кўрсатиб келаётган ЮССТ жаҳон аҳлининг саломатлигини сақлашда, бу борадаги фаолиятни халқаро мувофиқлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз 1992 йилдан ЮССТнинг Европа минтақавий бюросига аъзо.

Гарчи ҳамкорлик 1992 йилнинг ўзидаёқ бошланиб, ташкилот эмлаш бўйича миллий дастур доирасида республикамизга ёрдам кўрсатган бўлса-да, кенг қамровли ва самарали ҳамкорликка 1993 йилда асос солинди. Яъни, ЮССТ ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорликнинг асосий битими ҳамда ўрта муддатли дастури имзоланди. Ушбу дастур республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш, эмлаш ва вакцинация, ОИТС профилактикаси, соғлиқни сақлаш ислоҳотлари каби йўналишларга маблағ ажратиб, уни шакллантиришни кўзда тутган.

1994 йилдан эса ташкилотнинг Европа минтақавий бюроси ҳамкорликдаги янги дастурларга эътибор қаратиб, уларни молиялаштирди. КАРНЕТ, НЕХАП, ЛЕМОН каби лойиҳалар шулар жумласидан. Ҳамкорликлар кўламини яна кўп мисоллар орқали кўрсатиб ўтиш мумкин. Аммо қуйидаги маълумотнинг ўзи хулоса чиқариб олишга етса керак. Яъни, 1998—1999 йиллар давомида ЮССТ лойиҳаларни молиялаш учун 852800 АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган.

Мамлакатимиз 1992 йилнинг сентябрида Умумжаҳон банки ва Халқаро тараққиёт ассоциациясига аъзо бўлиб кирди. Маълумки, БМТнинг бу ташкилот ва муассасаси иқтисод ҳамда тараққиётни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Халқаро тараққиёт ассоциацияси Умумжаҳон банкининг асосий муассасаларидан биридир. Умумжаҳон банкининг дастлабки кредити 1993 йилда ажратилиб, у 21 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур

(Давоми 3-бетда).

УШБУ СОНДА:

2. «Ватанпарвар» танқид қилади.
3. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам.
4. Омон бўлсин, қариялар. Ажиб дунё.

● ПРОФЕССИОНАЛЫ

НЕТ ЗАДАЧ НЕВЫПОЛНИМЫХ

РЕПОРТАЖ

Пробиваясь сквозь пелену тумана, настолько плотную, что ее с трудом прорезал свет фар, мощный «Урал» все дальше и дальше увозил воинов десантно-штурмового подразделения от места постоянной дислокации. По замыслу тактического занятия взводу старшего лейтенанта Анвара Джаббарова предстояло обнаружить просочившуюся на одном из участков южного направления группу противника и по возможности уничтожить ее. От момента поступления этого тревожного сигнала до начала выдвижения прошли считанные минуты. И это результат не только многократных тренировок, но и умелой организации работы командира. Солдатский скарб небогат, а если к тому же он сосредоточен в определенном месте, разложен, что называется, по полочкам, то остается лишь вскинуть на плечи вещмешок, получить оружие и к выполнению поставленной задачи ты готов. Именно так и было в этот раз. Не подвел и водитель. Воины еще только начали сосредотачиваться в пункте сбора, а военнослужащий по контракту сержант Шухрат Ибрагимов уже покинул парк боевых машин. «Работает оперативно, молодец», — мысленно похвалил Шухрата командир. Что ж, эту похвалу специалист заслужил по праву. Не первый год он за «баранкой» и за все это время ни одного нарекания. Вот и сейчас, несмотря на сложные погодные условия, он уверенно вел машину по намеченному маршруту. Ровная лента асфальта сменилась полевым бездорожьем. Машину то и дело сотрясало на ухабах, отчего находящимся в кузове воинам приходилось несладко. Но из их уст не слетело ни одного нарекания. Они знали: Шухрат — профессионал, а временные неудобства — следствие обстановки. Действительно, обстановка диктовала свои условия, причем, довольно жесткие. Старший лейтенант Джаббаров переводил взор то на разложенную на коленях карту, то на светящийся циферблат командирских часов. Время торопило. Как никогда раньше понимал сейчас командир его значимость, но опередить неумолимо приближающиеся стрелки к отметке «Ч» был не в силах. Вся надежда теперь на опыт и мастерство сержанта Ибрагимова. Понимал, ох, как понимал это водитель, а потому ни на мгновение не отрывал взгляд от лобового стекла, за которым едва просматривались контуры дороги. А вот и долгожданный населенный пункт «Н». Офицеру Джаббарову уже доводилось бывать здесь раньше, что позволило ему тут же сориентироваться на местности и указать водителю дальнейший маршрут, протяженность которого составляли теперь считанные километры.

В предгорье, где собрались уже представители других силовых структур, десантники прибыли с опережением графика, что вызвало у присутствующих слова одобрения, поскольку каждый понимал, какой нелегкий путь пришлось им преодолеть.

Совещание продолжалось недолго, да и не было в этом большой необходимости, поскольку задача каждого была предопределена заранее, оставалось лишь скоординировать совместные действия. На долю подразделения офицера Джаббарова выпал самый опасный и ответственный участок. В глубоком ущелье, стороны которого обрамляли отвесные скалы, поросшие редким колючим кустарником, с трудом улавливалось нечто наподобие тропинки. Место не ахти, но противника оно вполне устраивало. В случае опасности его прикрывали каменные навесы, продолбить которые вряд ли смогла бы даже артиллерия. Внимательно изучив все вокруг, офицер почти был уверен: нарушители покоя родной земли изберут для своего продвижения именно этот путь. Наступила пора работы, настоящей мужской работы.

Организация засад и секретов для десантников дело, в общем-то, привычное, но в данной ситуации все заметно усложнялось. Остаться незамеченным на голых скальниках (а в том, что противник с помощью мощной оптики будет прощупывать каждый метр ущелья, никто не сомневался) было практически невозможно. И если снайперы еще умудрялись соорудить себе огневые позиции, то расчетам автоматических гранатометов приходилось нелегко. Но недаром ведь говорят: нет задач невыполнимых — есть десантные войска. Опыт и смекалка помогли воинам решить и эту проблему. Кустарники перекочевывали на новые места, солдатские плащ-накидки маскировались под цвет местности, словом, противнику была подготовлена достойная встреча. А если учесть, что расположились десантники с таким расчетом, что простреливался каждый метр, то заранее можно было быть уверенным в положительном исходе предстоящей операции.

Зимняя ночь в горах показалась неимоверно долгой. Донимал холод, но нигде не замечено ни малейшего движения, что могло бы выдать места засады. А когда ночные сумерки уступили место первым проблескам наступающего рассвета, с дальнего секрета поступила информация, которая мгновенно облетела все посты и приковала внимание воинов к тропе в ущелье: непрошеные гости дали о себе знать. Тихо, по-кошачьи, передвигался их дозор, но он не ускользнул от всевидящего ока десантников. Как и было уговорено ранее, ему пока предоставляли свободу действий, главное — дождаться основной группы. И она не заставила себя ждать. И вот тут, как говорится, во весь рост проявились четкие, слаженные действия подчиненных офицера Джаббарова. Не дрогнула рука снайпера рядового Аббоса Курбанова, как всегда верен себе оказался пулеметчик рядовой Отабек Ризаев, свое веское слово сказал и расчет АГС-17 под руководством сержанта Мурода Худойбердыева. Шквал огня, обрушившийся на противника со всех сторон, не позволил тому даже рассредоточиться. Скоротечным выдался бой, исход которого решили внезапность в сочетании с мастерством.

Посредники, наблюдавшие за ходом этого занятия, высоко оценили профессионализм десантников, для которых действительно нет невыполнимых задач, главная из которых — зорко стоять на страже завоеваний независимости.

Подполковник Я. КОРУКА.
Андижанский гарнизон.

● «ВАТАНПАРВАР» ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ФАОЛИЯТДАГИ ОҒРИҚ НУҚТАЛАР

Қуйида баён этадиган воқеаларимиз полковник Шавкат Жумаохунов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб ўтди. Бу қисмда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида майор Артур Ҳакимов хизмат қилмоқда.

Кимгадир бу воқеалар жуда оддий, жўн туюлиши мумкин. Кимдир арзимас камчиликлар-ку, деган гап айтиши ҳам мумкин. Яна кимдир булар ҳақида газетада ёзиш шартмиди, деган фикр билдириши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Воқеалар замирига жиддийроқ эътибор берсангиз, шахсий таркибнинг Умумҳарбий низомларни қанчалик билиши, уларга қандай риоя қилаётганлиги ётибди. Жанговар шайликнинг асоси бўлмиш машғулотлар қандай ўтказилмоқда? Шахсий таркибнинг тарбияси, жанговар шайлиги қай аҳволда? Умуман Ватан ҳимоячиси, посбон арзимас хато, камчиликларга йўл қўйиши мумкинми? Гап шулар хусусида.

АНТИҚА САВОЛ-ЖАВОБ

Ҳарбий қисм ичкарисига киргач, қисм бўйича навбатчи хонаси томон йўл олдим.

— Ассалому алайкум, — дея икки қўлини чўзиб қарши олди кўкрагига «... навбатчи ўринбосари» деган белги таққан шартнома бўйича хизмат катта сержанти. Қўл чўзилгач, муаллақ қолса, одобдан эмас, Қўлини олиб:

— Ваалайкум ассалом, ўртоқ катта сержант, — дедим. Кейин савол бердим:

— Ўзингизни таништирсангиз?

— Кўрмаяпсизми, ўртоқ майор? — деди у кўкрагидаги белгига ишора қила туриб.

— Кўришга-ку кўриб турибман, бироқ низом бўйича қандай жавоб қилишингиз керак?

— Э, ҳа, низом бўйичами? — индамай қолди.

— Умумҳарбий низомларни ўқиб турасизми?

— Ўқиб тураман, шекилли.

Ўзимни таништирдим. Кейин:

— Навбатчининг ўринбосари экансиз. Шахсий таркиб бўйича маълумот беринг-чи? — дея сўрадим.

— Ҳаммаси жойида, ўртоқ майор, — жавоб қилди, у.

— Сабабли, сабабсиз хизматга келмаган офицерлар борми?

— Ҳамма хизматда бўлса керак.

— Шартнома бўйича хизмат қилаётганлар қанча-ю, аскарлар қанча?

— Ўртоқ майор, булар ҳақида ёзилган қоғоз бор эди, қаергадир тушибди. Аниқ айта олмайман.

— Навбатчи ким?

— Капитан Зокир Ортиқов.

— Ўзлари қани?

— Кечаси билан навбатчилик қилиб чиққан, ҳозир дам оляпти. Уйғотайми?

— Майли, дам олаверсин.

Шу ерда менда бир савол туғилди: кеча навбатчилар навбатчиликни қабул қилиб олишларидан аввал уларнинг тайёргарлиги текшириб кўрилганми, йўқми? Текшириб кўрилган бўлса, нега шартнома бўйича хизмат катта сержанти Фарҳод Эшмаматовнинг хатти-ҳаракатлари, жавоблари томдан тараша тушгандай, антиқа?

ЎТКАЗИЛЯПТИ: МАШҒУЛОТМИ, ВАҚТМИ?

Майор Ваҳоб Эргашев командирлик қилаётган бўлинмадаман. Ижтимоий-сиёсий ахборот хонасида «Шахсий таркибнинг жанговар тревога пайтидаги ҳаракати» мавзусида машғулот ўтказилмоқда. Машғулотни муддатли хизматдаги оддий аскар Раҳим Ибрагимов олиб бормоқда.

— Бўлинмада қанча аскар бор, ўртоқ оддий аскар? — Машғулот ўтказаётган Ибрагимовдан сўрадим.

— Ўттиз тўртта.

— Ҳозир машғулотда қанчаси қатнашяпти?

Санаб чиқди.

— Ўзим билан йигирма учта.

— Қолганлар қани?

— Саккизта аскар нарядда.

— Демак, машғулотда йигирма олтита аскар бўлиши лозим. Яна уч киши етишмаяпти-ку?!

— Оддий аскарлар — Санжар Аҳмедов билан Толиб Мейлиевлар автосаройда бўлишса керак.

— Ким рухсат берган?

Жавоб йўқ.

— Улар қанча хизмат қилишган?

— Бир йил.

— Тушунарли. Бироқ яна битта аскар етишмаяпти-ю?

Шу чоқ эшикда бир аскар пайдо бўлди.

— Рухсат этинг, ўртоқ майор.

— Рухсат. Кимсиз?

— Оддий аскар Илёс Мамажонов.

— Нега машғулотда қатнашмаяпсиз?

— Рухсат сўраб ташқарига чиққан эдим.

— Кимдан рухсат сўрадингиз?

Жавоб йўқ.

— Хизмат қилаётганингизга қанча бўлди?

— Бир йил бўлай деб қолди.

— Демак, бир йил хизмат қилаётганлар машғулотда қатнашмаса ҳам бўлар экан-да?!

Оддий аскар Мамажонов ерга қаради.

— Режа бўйича ҳозир машғулотни ким ўтказиши керак эди?

— Майор Ваҳоб Эргашев.

— Нега ўзи ўтказмаяпти?

— Техникаларни топшириш билан банд.

Синфхонадан чиқиб кетаётган эдим, шошиб келаётган катта лейтенантга дуч келдим.

— Катта лейтенант Баҳодир Жўраев, — деб ўзини таништирди, у.

— Ҳа, ўртоқ катта лейтенант Жўраев, шошиб келяпсиз?

— Машғулотни мен ўтаётган эдим. Бир иш билан чиққан эдим.

Катта лейтенант Жўраев билан савол-жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, у машғулотда қанча аскар иштирок этаётганлигини билмайди.

Иккинчи савол ўз-ўзидан кўндаланг бўлди: машғулот ўтказиляптими ёки вақт ўтказиляпти?

ШУНЧАКИ КЎРИК

Шахсий таркиб эрталаб машғулотларга киришишдан аввал кўпгина юмушларни бажармоғи шарт. Шулардан бири — ташқи кўриниши, кийим-кечакларини тартибга келтириб, эрталабки кўрикдан ўтиш. Бу кўрик аскар соч-соқолини олганми, уст-боши, ботинкаси, соғлиги қай аҳволда, машғулотларда иштирок этишга тайёрми-йўқми, деган саволларга жавоб бермоғи керак.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулоти ўтказилаётган чоғда оддий аскар Азиз Масаидовнинг кийимлари кир, ботинкасининг боғлари калта эканлигига кўзим тушди.

— Ўртоқ оддий аскар, нега кийимларингиз кир?

— Бу менинг кийимларим эмас.

— Бўлмаса кимники?

— Оддий аскар Беҳзод Исоқовники.

— Нега сиз кийиб юрибсиз?

— У уйига таътилга кетган эди.

— Қизиқ-ку, кийимсиз кетдими?

— Йўқ, алмашганмиз, меники янгироқ, тозароқ эди.

Яна бир аскарнинг кийимлари кўзимга бошқачароқ кўринди.

— Ўзингизни таништирсангиз!

— Оддий аскар Умид Маматқулов.

— Маълумотингиз қанақа?

— Олий.

— Нега кийимларингиз дазмолланмаган? Шароит йўқми, имконият йўқми?

— Ҳаммаси бор, ўртоқ майор. Фақат бугун бошқа ишлар билан чалғиб, дазмол қилишга улгурмай қолдим.

— Бугун эрталабки кўрик бўлдими, йўқми?

— Бўлган эди.

Учинчи саволга дуч келдим: эрталабки шахсий таркибнинг кўрикдан ўтказилиши талаб даражасида ўтказиладими ёки шунчаки?

ҚИЗИҚТИРИШ ОСОНМИ?

Белгиланган куни режага мувофиқ учта гуруҳда ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулоти ўтказилди. Машғулот мавзуси: 2001 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва 2002 йилги вазифалар. Биринчи гуруҳ билан капитан Ҳусан Ҳошимов, иккинчи гуруҳ билан капитан Зоҳид Тўхтаев, учинчи гуруҳ билан капитан Олим Ражабов машғулот ўтказишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, машғулот ўтказувчилар имкон қадар тайёргарлик кўришган. Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши материаллари билан танишишган. Президентимиз Ислом Каримовнинг йиғилишда сўзлаган нутқини ўрганишган, муҳим жойларини дафтарларига кўчириб олишган. Ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавзу ҳақида шахсий таркибга тушунча, маълумот беришга ҳаракат қилишди.

Энди машғулот ўтказувчи офицерлар билан яқинроқ танишиб чиқайлик: капитан Ҳусан Ҳошимов, командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Самадқанд давлат университетининг физика факультетини тамомлаган. Маълум вақт мактабда дарс берган. Педагогик маҳорати бор. Капитан Зоҳид Тўхтаев Тошкент техника университетининг архитектура факультетини тамомлаган, клуб бошлиғи лавозимида хизмат қилмоқда. Капитан Олим Ражабов ҳарбий билим юртини тамомлаган, айни чоғда бир йўла учта лавозимда фаолият кўрсатмоқда, вақтинча командир вазифасини бажаряпти, вақтинча командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, штаб бошлиғи.

Капитан Ҳ. Ҳошимов машғулот ўтган гуруҳда сержант ва аскарларнинг ушбу тайёргарлик бўйича махсус дафтарлари бор. Дафтарнинг биринчи бетига Давлат мадҳияси, кейин ҳарбий Қасамёд чиройли қилиб ёзилган. Капитан О. Ражабов гуруҳида ҳам шунга ўхшаш ҳолат. Бироқ капитан З. Тўхтаев машғулот ўтган гуруҳда батамом бошқача манзара: дафтарлар 19 февралдан тутилган. Дарҳол ўтилган мавзу тўғрисида узун-қисқа қайдлар бор.

— Бу бизнинг иккинчи дафтаримиз, — деди оддий аскар Дилшод Мирзараҳметов.

— Биринчиси қани?

— Тўлган.

— Тўлганлиги яхши. Лекин ўзи қани?

— Ташлаб юборганмиз, ўртоқ майор.

— Мана сиз олий маълумотли экансиз. Талабалик чоғингизда конспект дафтарингиз тўлса, ташлаб юборар эдингизми?

— Йўқ, имтиҳонда фойдаланар эдим.

— Маълумки, қишки мавсум ўқув машғулотлари якунлангач, синовлар ўтказилади. Ёзганларингиз ўшанда асқотиши мумкин-ку?!

— Бир иложини қиламиз, ўртоқ майор.

Юқорида қайд этилган гуруҳларда давомат махсус журналда ёзиб борилган. Бироқ бу гуруҳда журнални кўрмадим.

— Қаранг, ўртоқ майор, ҳамма нарса аралашиб ётибди, — деди гуруҳ командири катта лейтенант Наил Беглов столга ишора қилиб. — Журнал бор, лекин ҳозир тополмаяпман.

— Майли, гап журналда эмас. Айтинг-чи, ўртоқ катта лейтенант, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари гуруҳингизда мунтазам ўтказилиб турилибдими?

— Ўтказиляпти. Аммо савол туғилади: қандай? Штат бўйича менда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари йўқ. 88 аскарим бор. Ҳозир булар сафига 11 та сафарга келганлар ҳам қўшилишган. Демак, юзга яқин аскарим бор. Машғулотларни бир офицер ўтмайди. Вақти борлардан фойдаланяпмиз.

— Шунча аскарларингиз бор экан. Нега дафтарлар сони 41 та?

— Ҳамма топширмаган бўлса керак.

— Нега топширишмаган?

— Хат ёзганларида фойдаланишади.

— Гап йўқ.

Ҳар учала гуруҳнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ахборот хоналарида на «Халқ сўзи», на «Ватанпарвар» газеталарининг тахламларини кўрмадим. Фақат тушликдан сўнг З. Тўхтаев ўтган синфда газеталар тахламлари пайдо бўлди.

Бундан бирмунча вақт илгари, ушбу қисмда бўлган Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Манопжон Аҳмедов ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари талаб даражасида ўтилмаётганлигининг гувоҳи бўлган.

Яна шу ерда саволга дуч келдим: Хуш, ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан машғулот ўтказувчи офицерлар машғулотларни қизиқарли қилиш учун ижодий изланишяптими?

ТАШАББУС ҚАЕРДАН ОЛИНАДИ?

Ҳарбий қисмда бой кутубхона мавжуд. Кутубхонада 9 мингта китоб бор. Бироқ, шулардан фақат 420 тасигина ўзбек тилида. Муаммоли томони шундаки, кутубхонанинг иситиш тармоғи ишламайди.

Ҳарбий қисмда бир пайтлар аскарлар клуби бўлган. Бундан икки йил аввал таъмирлаш ишлари бошланган. Ишлар тўхтаб қолган. Маблағ йўқ эмиш.

Давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар яхши йўлга қўйилмаган. Қисмда ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг айрим аъзолари бор. Аммо фаолияти сезилмаяпти.

Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнин чўзади, деган гап бор. Яна бола йиғламаса, онаси сут бермайди ҳам дейишади. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун ким елиб-югуриши керак? Муаммони ҳал этиш учун юқори ташкилотларга ким мурожаат қилиши керак? Умуман, ташаббус қаердан олинади?

Юқоридаги саволларга жавоб топилса, кўнгилдагидек иш бўлар эди-да.

Майор А. ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ҳамкорлик

Хизматда жанговар дўстлик яхши йўлга қўйилса, хизматнинг ўзига хос машаққатларини енгиш осон кечади. Оддий аскар Орипбой Раимовнинг йигитлик бурчини ўтай бошлаганига бир йил бўлай деб қолди. Ортда қолган вақт унга кўп нарсани ўргатди.

— Кун тартибларига қатъий риоя қилиш,— дейди у.— ҳаракатларингизни бир маромга солар экан. Кейин вақтдан унумли фойдаланишга ўрганар экансиз.

Оддий аскар Сардор Ниёзметовнинг йигитлик бурчини ўтай бошлаганига эса энди тўрт ойдан ошди.

— Энди менда,— дейди у,— ҳарбий ҳаётга кўникма ҳосил бўлди. Бир гапни айтмоқчиман: дастлабки пайтлар бир оз қийналдим. Ана шунда мендан олдин хизматини бошлаган Орипбой ёрдамга келди. Кўп нарсаларни ўргатди. Айрим назарий машғулотларни ўзлаштиришим қийин бўлса, ёрдам қўлини чўзди. Тушунтирди, қандай адабиётлардан фойдаланишим борасида маслаҳатлар берди. Биз бир-биримизга ҳамкор бўлиб хизмат қиляпмиз. Бу ҳамкорликнинг кўпроқ менга фойдаси тегмоқда.

Вақт — оқар сув. Орадан ойлар ўтиб, оддий аскар Сардор Ниёзметов ҳам тажрибага эга бўлади.

— Ўшанда,— дейди у,— мен ҳам ёш аскарларга қўлимдан келганча ёрдам бераман. Чунки аскарлик фаолиятимда шунга амин бўлдимки, бундай ҳамкорликнинг ёш аскарга жуда катта фойдаси тегар экан.

Айни кунларда қишки мавсум ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда. Икки сафдош жанговар дўст барча машғулотларда фаол иштирок этишмоқда.

Майор А. БАЙРАМОВ,
Жиззах гарнизони.

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Эронга ташриф буюрган Афғонистон мувақкат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат президенти Муҳаммади Ҳотамий билан учрашди. Музокарада икки қўшни мамлакат ўртасида ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш ва минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди. Хабарларга кўра, учрашувда томонлар Эроннинг Афғонистон иқтисодини тиклаш ишларидаги иштироки масаласига ҳам эътибор қаратган. Расмий Теҳрон бунинг учун 500 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга ваъда берган.

ВАҚТНИНГ ЎЗИ КЎРСАТМОҚДА

Россия президенти Владимир Путин Алмати шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ саммитида сўзга чиқиб, Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатлари бошлангандан кейин Осиё минтақасида вазият ўзгарди, деди. Унинг таъкидлашича, МДҲ давлатларининг халқаро аксилтеррор коалицияси ҳарбий операцияларини қўллаб-қувватлагани тўғри бўлганини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда.

ҒАЛАЁНЛАР ТЎХТАМАЯПТИ

Ҳиндистоннинг Гужарат штатида оммавий ғалаёнлар тўхтамаяпти. Куни кеча ана шундай ғалаёнда яна 30 киши қурбон бўлди. Диний низолар туфайли мазкур штат марказида кейинги уч кун ичида қурбонларнинг сони 200 кишига етди. Ҳукумат мамлакатнинг аксарият шаҳарларида хавфсизлик чораларини кучайтиришга мажбур бўлмоқда.

ЛАГЕРНИ ЭГАЛЛАШДИ

Исроилнинг пиёда аскарлари, зирҳли техника қисмлари Фаластин қочқинлари жойлашган Женин лагерини тўла эгаллаб олди. Натижада кўчаларда Исроил ҳарбийлари билан Фаластин жангарилари ўртасида тўқнашувлар юз берди. Қурбонлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумот йўқ.

ТАШАББУСНИ ҚЎЛЛАМОҚЧИ

Миср президенти Ҳусний Муборак Саудия шаҳзодаси Абдуллонинг Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Бироқ, у мазкур ташаббус янгилик эмаслигини айтиб, Исроил томонидан кабул қилинишига шубҳа билан қарамоқда.

(Интернет материаллари асосида т йёрланди).

● ҚИШКИ ЎҚУВ МАВСУМИ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА



Жамшид Тувалов сержантлар тайёрлаш мактабининг аълочи курсантларидан. Самарқандлик бу йигит муддатли ҳарбий хизматни Термизда ўтаганида ҳам сафдошлари орасида донг таратганди. Йигитлик мактабидаги ана ўша тажриба, малака бугун ўз сўзини айтмоқда. Жамшид яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотларида юксак натижаларга эришиб, касбий маҳорати тобланаётганини яна бир бор исботлади.

— Ўтилаётган машғулотлардан кўнгил тўқ. Энг муҳими, шахсий таркиб билан ишлаш, замонавий қурол-аслаҳа, жанговар техникани эгаллаш сирлари пухта ўргатиляпти. Қолаверса, хориж армиясининг илғор тажрибалари билан ҳам танишаяпмиз. Бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама баркамол кичик командир бўлиб етишишга имкон бор, — дейди у.

Суратда: навбатдаги ўқув машғулотидан лавҳа.

Н. ЮСУПОВ суратга олган.

● МК «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

ВАТАН ХИЗМАТИГА ТАЙЁРМИЗ!

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашдаги муваффақиятлари учун Намунали деб номланган Қўқон шаҳар автомобиль мактабида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллар давомида мактаб қиёфаси тубдан ўзгарди: бу ерда катта ҳажмда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди, ўқув ва синфхоналари мукаммал таъмирланиб, давр талаблари асосида қайтадан жиҳозланди, барча шароитлари муҳайё бўлган янги, замонавий автосарой қуриб битказилди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қўқон шаҳар кенгашининг раиси, автомобиль мактаби бошлиғи, «Шуҳрат» медали нишондори Нўъмонжон ака Жабборалиев бу ҳақда шундай деди:

— Фаолиятимизда Намунали автомобиль мактабимизнинг ўрни катта. Унда Қуролли Кучларга «ВС», «С» тоифадаги ҳайдовчилар, самолётларга ёнилғи ва мойлаш материаллари ташувчи ва қуювчи мутахассислар, халқ хўжалиги учун турли тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланади. Ҳар йили техник мутахассислар тайёрлаш режалари ортиғи билан бажариб келинмоқда.

Мактаб республикадаги турдош муассасалар ўртасида етакчи ўринда. Бу ерда мустаҳкам моддий-техника негизи яратилган. Замонавий автосарой, 13 та ўқув хоналари, 4 та амалий машғулот синфхоналари ҳар томонлама тўлиқ жиҳозланган, электрлаштирилган ва барча қулайликларга эга. Айниқса, синфхоналарнинг Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас», «Тико» русумидаги янги автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари ва бу ҳақдаги кўргазмали ахборот воситалари билан жиҳозланганлиги эътиборга молик. Синфхоналарда автомобиллар тузилиши ва уларга техник қаров ўтказиш бўйича амалий машғулотлар учун барча шароитлар муҳайё. Амалий машғулотлар «Нексия», «Тико», «КамАЗ», «ЗиЛ», «УАЗ», «МАЗ», «КрАЗ» каби русумдаги автомобилларда олиб борилади. Мактабда ДАН имтиҳонларини биринчи марта топшириш кўрсаткичи мунтазам равишда 97—100 фоизни ташкил этади.

Айни пайтда автомобиль мактабида 30 нафарга яқин ўқитувчи ва ўргатувчи усталар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг аксарияти олий ва биринчи тоифали мутахассислардир. Бу ерда ишлаш учун энг кам иш стажи ўргатувчи усталар учун 3 йил, ўқитувчилар учун 5 йил бўлиши керак. Ходимлар малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш ва қайта тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Улар ҳар йили Тошкентда — «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши қошидаги малака ошириш курсларида, Фарғона вилояти ва водий бўйича ўтказиладиган ўқув-услубий йиғинларда қатнашадилар.

Мактаб ҳудуди мамлакатимиз мустақиллиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонунлар, республика Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари, эзгу анъаналаримиз, қадим қадриятларимиз, урф-одатларимиз акс этган кўргазмали ахборот воситалари ва шиорлар билан кўркам безатилган. «Маънавият ва маърифат» хонасида жамоатчилик кенгаши томонидан тузилган режага асосан ишлар амалга ошириляпти. Курсантлар ва шахсий таркиб билан ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ишлари изчил олиб боriляпти. Курсантларнинг бўш вақтлари ҳам сермазмун ўтмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, таниқли ва эътиборли кишилар билан суҳбатлар, учрашувлар ва китобхонлик кечалари тез-тез ўтказилиб турилади.

Мактабда ҳар бир битирувчи курсантнинг разрядли спортчи бўлиб етишишига ҳаракат қилиняпти. Курсантлар «Алпомиш» мажмуи талабларини 100 фоиз топширмоқдалар. Жанговар қуролдан ўқ отиш машқлари ҳам муваффақиятли ўтяпти. Ўқув йилининг якунида ҳарбий-амалий кўпкураш мусобақалари ўтказилади.

Ҳар йили Мустақиллик байрами шарафига Ўзбекистон МК «Ватанпарвар» ташкилотларида чақирилувчилар ўртасида касб маҳорати бўйича мусобақалар ўтказиш анъанага айланган. 2000 йили курсант Авазбек Жўраев республика мусобақасининг мутлоқ ғолиби бўлди. Спортчи Расул Сайдалиев ёзги биатлон бўйича республика чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади. Авиамодель бўйича республика чемпионатида спортчи Алишер Мирзаев ғолиб чиқди.

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 10 йиллигига бағишлаб Фарғона шаҳрида ўтказилган дуатлон бўйича вилоят биринчилигида курсант Б. Ҳамедов биринчи, У. Муҳиддинов эса иккинчи ўринни эгаллашди. Автомобиль мактаби жамоаси вилоят курсантлар кўпкурашида умумжамоа синовларида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Жамоа таркибида қатнашган курсантлардан Ўткир Мирзаулугов, Элёр Комилов ва Муҳаммад Эргашевлар мерганлик, 100 метрга югуриш ва йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича ғолиб чиқиб, ушбу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Албатта, автомобиль мактаби жамоасининг эришаётган ютуқларида бошлиқнинг тарбиявий ва ўқув ишлари бўйича муовинлари — Қосимжон Алиев, Равшанжон Аббосов, ўқитувчилар — Иномжон Ғофуров, Илҳомжон Жабборалиев, автомобиль бошқаришни ўргатувчи усталар — Одилжон Мустафоқулов, Собиржон Йўлдошев, Салимжон Саидаҳмедов каби ўз ишининг усталари бўлган устоз-мураббийларнинг хизматлари катта.

Автомобиль мактаби жамоаси ҳар жиҳатдан тадбиркорлик асосида иш юритяпти. Бу изланишлар ўз навбатида яхшигина самара беряпти. Бунинг натижасида ўтган йилларда «Нексия» ва «Тико» автомобиллари сотиб олинди.

Жамоамизнинг келгусидаги режалари шу азиз Ватанимиз тинч-осойишталигини таъминлаш, унинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш, ҳар бир байрам ва тантаналарни муносиб ютуқлар, ёруғ юз билан кутиб олишдир. Токи, мактабимизни битирган ҳар бир йигит фахр ва ифтихор ила қаддини ғоз тутиб, «Ватан хизматига тайёрман!», дея олсин.

А. ИСОМИДДИНОВ
ёзиб олди.

● ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ОДИМЛАРИ

Илгари хабар қилинганидек, 14 февраль куни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республиканы ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг юксак минбаридан давлатимиз раҳбари 2001 йил мамлакатимиз учун иқтисодиётимизда, бутун жамиятимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тадбирларимизни жорий этишда муҳим босқич ва уларнинг мантиқий давоми бўлганлигини алоҳида таъкидлаб айтди. Хўш, 2001 йилнинг ўзига хос хусусиятларини нималарда, қандай кўрсаткичлар мисолида кўришимиз мумкин?

Биринчидан, кейинги йилларда бўлгани каби, 2001 йилда ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилди ва иқтисодиётимизнинг ўсиб бориш жараёнлари давом этди. Натижада ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариш — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса 4,5 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларига мос равишда пасайди.

Айниқса, шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўтган йил Узбекистон учун макроиқтисодий вазият нуқтаи назаридан маълум маънода бурилиш йили бўлди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича нафақат ислоҳотлар бошланган 1991 йил даражасига чиқиб олинди, балки 103 фоиз ўсишга ҳам эришилди.

Бунинг натижасида 2001 йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 103,1 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга ортди. Энг муҳими, давлатимиз миқёсида ҳам, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ҳам иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги мустаҳкамланди.

Давлат бюджетининг даромад қисми бўйича деярли барча кўрсаткичларнинг ошириб бажарилгани туфайли бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имкони туғилди. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга, реал иқтисодиёт тармоқлари ривожини зарур сармоялар билан таъминлашга эришилди.

Шу вақт мобайнида пул тизими янада мустаҳкамланди. Нақд пул эмиссияси даражаси йил якунларига кўра, прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган 9 фоиз ўрнига 6,5 фоизни ташкил этди. Пулнинг айланиш суръатлари тезлашди.

Иккинчидан, бизнинг бозор ислоҳотлари йўлидан олга боришимизни кўрсатадиган иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар жараёни сезиларли даражада чуқурлашди.

Шубҳасиз, бунда мамлакатимизда йил сайин шаклланиб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳуқуқий база, шу жумладан, кейинги йилларда қабул қилинган Давлат бюджети ва бюджет тизими, Марказий банк ва банклар тизими, аудит, сугурта фаолияти, лизинг тўғрисидаги турли қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Учинчидан, 2001 йилда ҳам иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва инвестицияларни, жумладан чет эл сармояларини кенг жалб этиш сиёсати ҳаётга фаол жорий қилинди.

Таркибий ўзгаришлар ҳақида гапирганда, аввало, ишлаб чиқаришнинг юраги бўлган энергетика қувватларини, нефть-газ мажмуи корхоналарини, кўмир, металлургия, кимё, пахта қайта ишлаш саноати, енгил саноат, ипакчилик, чарм-пойабзал, мебель ва бошқа етакчи саноат тармоқларини, лўнда қилиб айтганда, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда автомобилсозлик, дори-дармон ва микробиология саноати каби янги тармоқ ва ишлаб чиқариш турлари жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделдаги «Матиз» автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, республикамизда тиббиёт соҳасида ишлатиладиган шиша идишлар тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган Учқудуқ—Мискин йўналишида темир йўлнинг қурилиб, ўтган йили бу ерда ишчи қатновларининг йўлга қўйилгани, Термиз, Учқудуқ, Тўрткўл, Элликқалъа шаҳарларида янги вокзалларнинг биноларидан фойдаланишга топширилганини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Биргина 2001 йилнинг ўзида биз бир қанча улкан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга муваффақ бўлдик. Полиэтилен ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган, умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Шўртан газкимё мажмуини барпо этиш, Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбатини ишга тушириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўтган йили Тошкентда йўловчи ташувчи вагонларини таъмирлайдиган завод иш бошлади. Фарғонадаги хлорат натрий ва хлорат магний дефолианти ишлаб чиқарадиган «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари тугалланди.

Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш дастури доирасида йил мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам муайян натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Фарғонадаги фуран бирикмалари заводи ва Янгийўлдаги целлюлозақоғоз фабрикасида линтни қайта ишлаш ҳамда целлюлоза ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган «Кабул—Фарғона», «Чиноз тўқимачи» каби янги қўшма корхоналар ишга туширилди.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, агар 1991 йили республикамизда пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 24 фоизга етди.

Ўтган йилнинг **тўртинчи** муҳим хусусияти, бу —кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари янада тезлашгани билан боғлиқдир.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг ўзида 2,4 мартадан кўпроқ ошди. Буларнинг 70 фоизга яқини ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир. Тадбиркор ва фермерларга берилган микрокредитлар ҳажми эса 27 миллиард сўмдан зиёд бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 55 фоиздан кўпроғи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Ўтган йилда ҳам қишлоқ хўжалик кооперативлари, яъни ширкатларни шакллантириш ишлари давом эттирилди. Бундай хўжаликларнинг аъзолари мулк пайларига эга бўлдилар. Зарар кўриб ишлайдиган ва кам самарали хўжаликлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этишга алоҳида аҳамият берилди.

2002 йилнинг 1 январигача жами 1 минг 900 та хўжалик, шу жумладан, 2001 йилнинг ўзида 112 та хўжалик ширкатларга айлантирилди. Ҳозирги вақтда 1 миллион 400 минг киши ширкат аъзоси бўлди. Ўтган йили 52 та қишлоқ хўжалик корхонаси негизида танлов асосида 3 минг 400 фермер хўжалиги ташкил этилди. Мамлакатимиздаги жами фермер хўжаликларининг сони эса 55 минг 400 тага етди.

Қишлоқ хўжалигини иш самарадорлиги юқори бўлган, замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг жорий этилиши олдинга ташланган муҳим қадам бўлди.

Олтинчидан, биз ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини яна эркинлаштириш муаммоларини ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришдик.

Экспорт контрактларини расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилди. Кичик ва ўрта бизнеснинг барча субъектлари рўйхатдан ўтган кунидан бошлаб бевосита ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси ҳисобланади. Улар учун экспорт қилинадиган маҳсулотдан келадиган валюта тушумининг 50 фоизини сотиш мажбурияти бекор қилинди.

2001 йилда валюта сиёсатида, уни янада эркинлаштириш борасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бугунги кунда барча валюта операциялари фақат ваколатли банклар томонидан амалга оширилмоқда ва бу банклар биржадан ташқари валюта бозорида асосий бўғинга айланиб бормоқда.

Деярли барча ваколатли банкларга валюта алмаштириш операцияларини бажариш ҳуқуқи берилган.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилнинг ўзида жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациясини таъминлаш юзасидан салмоқли қадамлар қўйилди. Бу ишларни 2002 йилда албатта охирига етказишимиз зарур.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг XXI аср дастлабки йилида эришган муваффақиятлари салмоқли. Улар ислоҳотларимиз йўлининг ишончли эканлигини, бозор иқтисодиётига ўтишнинг «ўзбек модели» ҳаётийлигини ва янги, замонавий технологияларга асосланган иқтисодиётимизнинг самарали эканлигини яна ва яна намойиш этмоқда.

Маърузада ишда ҳатоликка, ислоҳотлар талабларини амалга оширишда камчилик ва хатоликка йўл қўйган қатор ташкилот, тармоқ, ҳокимликлар раҳбарлари танқид остига олинди. Буларнинг барчаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарорида ўз ифодасини топди. Бироқ, мажлис иштирокчиларининг асосий эътибори 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини самарали ҳал этишга қаратилди. Хўш, бу вазифалар нималардан иборат?

1. Биринчилар қаторида иқтисодиётимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг энг муҳим стратегик вазифамиз халқ хўжалигига тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат эканлигини унутмаслигимиз керак.

2002 йил мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш йили бўлиши зарур. Бунинг учун сон кетидан қувмасдан, ишни хусусийлаштириш дастурига кирган конкрет йирик корхоналардан, биринчи навбатда, алоҳида лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган, аввало, хорижий инвесторларга тўла сотилиши мўлжалланган корхоналардан бошлаш лозим.

2. Жорий йилда солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ этиш, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фондлар ролини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсати изчиллик билан олиб борилади. Айни вақтда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бориши, бу жараён айниқса табиий ва минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак.

3. 2002 йилга мўлжалланган иқтисодий стратегиямизнинг ута муҳим аҳамиятга эга бўлган, ҳал қилувчи масаласи шундан иборатки, биз валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, унинг алмашув курсини унификация қилиш, жорий операциялар бўйича эркин конвертация қилишини таъминлашимиз зарур. Табиийки, бу ишларнинг барчасини, тўлов балансимизни мустаҳкамлаб, олтин-валюта захираларимизни сақлаган ҳолда амалга ошириш даркор.

4. Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш бўйича, божхона тўловларини амалга ошириш тартибларини янада енгиллаштириш ва уларни соддалаштириш бўйича, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш лозим. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини сертификациялаш соҳасидаги ишларни жадаллаштириш зарур.

5. Ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш, бу борада фаол, энг муҳими, кучли ва самарали сиёсат олиб бориш ҳамиша бизнинг диққат марказимизда бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, албатта.

Бу — бутун сиёсатимизнинг, ўтказилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида доимий ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналишдир.

Маълумки, бу борада ҳукумат томонидан бир қатор муҳим ижтимоий дастурлар қабул қилинди. Уларни бажариш билан боғлиқ вазифаларнинг катта қисми 2002 йилга тўғри келади. Бу, авваламбор, 2002—2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган давлат дастуридир.

Бу дастурлар, аввало, кекса авлод вакилларига бўлган ғамхўрлик ҳамда эътиборни кучайтиришга, ёши улуғ инсонлар, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ва жамият томонидан моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бинобарин, улар тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши зарур.

6. Энг бебаҳо бойлигимиз — ердан фойдаланиш. Ердан фойдаланиш масаласида тоқат қилиб бўлмайдиган хўжасизлик фактлари, ер ҳақидаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳолатлари мавжуд. Ерга бундай муносабатда бўлиш —унинг ҳосилдорлигини пасайтирибгина қолмай, бутунлай унумдорлигини йўқотиши мумкин.

Шу билан бирга, яна бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Авваламбор, булар — **ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, минерал-хомашё ресурсларидан тежамли фойдаланишдир.**

7. Раҳбарлар асосий эътиборини Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишига қаратмоқ лозим.

Ўтган йил якунлари ва жорий йил вазифалари асосан ана шундай. Улар кенг кўламли, бироқ уларни уддалашга қодирмиз. Давр зиммамизга янги вазифалар юклаяпти. Ўзгариб бораётган янги шароитларда жамиятимиз юксак натижаларга эришаяпти, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимиз янги погоналарга кўтарилмоқда.

Бизнинг иқтисодиётимиз ислоҳотларда синовдан ўтаяпти. Лекин у аллақачон мамлакатимизнинг тўғри йўлдан бораётганлигини, бугунги биз яшаётган ҳаёт, мураккаб давр олдимизга қўйётган ҳар қандай кўп қиррали вазифани бажара олишини исботлади.

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

Ҳарбий прокуратура юксалиш йўлида

1992 йил 28 февралда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан юртимизда ҳарбий прокуратура органларига асос солинган эди. Миллий ҳарбий ҳуқуқшунослигимиз бугунги кунда она Ватанимиз манфаатлари учун хизмат қилмоқда.

— Ҳозир ҳарбий прокуратура Узбекистон Республикаси прокуратурасининг таркибий қисмини ташкил этади,— деди ЎзА муҳбирига Республика ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси Собиржон Ёқубов. — Унинг тезкор ходимлари Қуролли Кучларимиз офицерлари ҳисобланади. Шу боис ҳарбий прокуратура органларининг ўн йиллиги Узбекистон Республикаси прокуратура органлари ва Қуролли Кучларимизнинг ўн йиллик байрамларининг узвий давоми ҳисобланади.

Айтиш жоизки, собиқ тузум даврида Қуролли Кучлар ҳарбий прокуратураси тизимининг прокурор-тергов лавозимларида маҳаллий кадрлар деярли хизмат қилмаган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Қуролли Кучлар ҳарбий прокуратураси идораларини маҳаллий кадрлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Ҳозирга келиб 5 та ҳарбий округ ва 10 та ҳудудий ҳарбий прокуратура етарли моддий-техникавий базага эгадир.

Қисқа даврда ўтказилган ислоҳотлар Ҳарбий прокуратура тимсолида миллий ҳарбий ҳуқуқшунослигимиз учун кенг истиқболли шароит яратди. У талай халқаро ташкилотлар ва хорижий давлат ҳарбий прокуратуралари билан ҳам самарали ҳамкорлик ўрнатишга эришди.

Сўнгги йилларда ҳарбий прокуратура хизматчилари кўплаб ривожланган давлатларда ҳамда юртимизда ҳарбий ҳуқуқшунослик масалаларида ўтказилган халқаро анжуманларда фаол иштирок этди.

Ҳарбий прокуратура органлари мамлакат мудофаа қудратини, ҳудудий яхлитлигини, сарҳадлари дахлсизлигини, қўшиналарнинг жанговар шайлигини таъминлаш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза этиш каби устувор соҳаларда самарали тадбирлар ўтказмоқда. Қуролли кучларда қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш, ҳарбий қисмлар, корхона, муассаса ва ташкилотларга етказилган мулкий зараларни ундириш фаолиятида ижобий ўзгаришларга эришилди.

Ислоҳотлар ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучларда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, қўшинларда профилактик ишларни такомиллаштириш борасида ҳам ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

Ҳарбий қисмлардаги жиноятлар йил сайин камайиб бормоқда. Айниқса, ҳарбий хизмат обрўсига путур етказиши мумкин бўлган қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, ҳарбий хизматчилар орасида низомга зид муомала қилиш, мансабни суиистеъмол қилиш каби жиноятлар барҳам топмоқда.

Ҳарбий юриспруденция салоҳиятини ошириш, аскар ва офицерларни истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларда қонунларга ва ҳарбий низомларга чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш масалаларига ҳарбий прокуратура ходимлари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎзА муҳбири.

● ПИСЬМО В РЕДАКЦИЮ

ОТ ВСЕЙ ДУШИ

Я, подполковник-инженер в отставке, инвалид второй мировой войны, недавно в тяжелейшем состоянии попал в Центральный военно-клинический госпиталь — в отделение челюстно-лицевой хирургии, возглавляемое майором медицинской службы Алишером Назаровым. Своими решительными, высокопрофессиональными действиями при проведении операции он вернул меня к жизни и работоспособности. Лечение проходило эффективно, что объясняется особым психологическим климатом, созданным в этом коллективе.

Хочу отметить, что майор медслужбы А. Назаров, кроме высоких профессиональных качеств, обладает чувством сострадания ко всем больным, поступающим в отделение и проходящим здесь лечение. Да и все его подчиненные проявляют милосердие и чуткость, борются за их здоровье, выздоровление, возвращение к службе. Здесь каждый знает свои обязанности, четко и без суеты их выполняет.

Находясь в отделении более двадцати дней, наблюдая за работой хирурга А. Назарова, я увидел в нем грамотного, знающего свое дело человека с удивительными руками профессионала. Беседуя с ним, не удержался от вопроса, как ему, еще сравнительно молодому специалисту, удается умело владеть способами эффективного лечения.

По ответу врача я понял, что он постоянно работает над собой. А еще помогают в становлении систематическая учеба и опыт его учителя и наставника, которым он считает профессора Владимира Александровича Зеленина — известного в республике специалиста в области пластической хирургии.

Хочется отметить профессионализм и моего лечащего врача — старшего ординатора Ф. Режавашева, а также медицинских сестер — Н. Умаркуловой, А. Самарбековой, Ш. Холмурадовой, Д. Шамухамедовой, которые также способствовали выздоровлению. Думаю, что следует сказать и о тех, кто в процессе лечения помогал выхаживать больных, кто по-матерински организовал быт и наше питание — сестра-хозяйка Н. Тарасенко, официантки Н. Романова и Р. Хадикова.

На мой взгляд, заслуживают благодарности все сотрудники отделения, составляющие коллектив, созданный майором медицинской службы А. Назаровым. Своим отношением к делу они добиваются главной цели — поставить на ноги и вернуть к службе, к нормальной жизни всех больных. Большое им всем за это спасибо!

А. ДИНЕРШТЕЙН,
подполковник-инженер в отставке.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 1 мартидан мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бошланди.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур тадбир давомида бу борада комплекс чора-тадбирлар ўтказилиши мўлжалланган. Хусусан, транспорт ва пиёдалар ҳаракати серқатнов йўллар ва чорраҳаларни белгилаш, уларни кўриндан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техникавий тайёргарлигини яхшилаш кабилар шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармойишига мувофиқ мазкур тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Тадбир доирасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идоралар қатнашади.

(ЎзА)

Ёнғинга қарши курашда уни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларга қарши бориш, яъни эҳтимол тутилган ҳодисанинг олдини олиш муҳим. Ёнғинга қарши кураш ва қутқарув ишлари бошлиғи прапорщик Раҳмиддин Камолов (ўртада) **шуни яхши англаб етгани учун ҳам ишлари самарали.**

Суратда: **прапорщик Р. Камолов оддий аскарлар — С. Ризаев ва М. Обидовларга машғулот ўтмоқда.**

Н. ЮСУПОВ суратга олган.

МАВҚЕИМИЗ ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ

(Давоми. Бошн 1-бетда).

маблағ хусусийлаштириш ислоҳотларини жадаллаштириш, молия секторини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя, бандлик, энергетика, телекоммуникация йўналишларини ривожлантиришни кўзда тутган. 1995 йилда 160 миллион, 1998 йилда 127 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ажратилган.

БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти ҳақида билмайдиган, ақалли уни эшитмаган одам кам топилса керак. 1946 йилда асос солинган мазкур ташкилотга 187 та давлат аъзо. Узбекистон БМТнинг таълим, фан, маданият масалалари билан шуғулланувчи бу нуфузли ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлиб кирган. 1998 йилда эса мамлакатимизда ЮНЕСКОнинг ваколатхонаси очилди.

Шу ўринда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги асосий фаолият йўналишларига қисман назар ташласак. Дейлик, таълим соҳасида 1998—1999 йилларда қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Сирдарё ва Наманган вилоятларида ёшлар учун минтақавий ўқув марказлари ташкил этилиши, экологик таълим борасида ўқув дастури ишлаб чиқарилиши, қатор олий ўқув юртларимизда ЮНЕСКОнинг физика, астрономия, инсон ҳуқуқлари ва демократия, тарихий ёдгорликларни сақлаш кафедралари иш бошлаши. 26 та мактаб ЮНЕСКО мактаби мақомини олиши кабилар шулар жумласидан.

Фан соҳасида мамлакатимизда ўтказилган қатор семинар ва анжуманларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Тошкентда Марказий Осиё давлатлари Фанлар академияси президентлари иштирокида «Фундаменталь фанлар жамият тараққиётига» мавзуида минтақавий семинар ўтказилди, ЮНЕСКО дастури асосида Орол муаммолари бўйича қатор ўқув семинарлари уюштирилди.

Маданият соҳасидаги ҳамкорликларимиздан сўз очганда, Бухоро, Хива сингари кўҳна шаҳарларимиз юбилейларининг, буюк бобомиз Амир Темур юбилейининг ЮНЕСКО билан ҳамкорликда кенг тантана қилинганлиги кўз олдимизга келади. Ташкилотнинг Умумжаҳон банки ва Буюк Британия элчихонаси билан ҳамкорликда Бухородаги учта тарихий қадамжони таъмирлашга ёрдам бергани. Сурхондарёда будда маданияти ёдгорликларини сақлаб қолиш бўйича лойиҳаларни, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга ёрдамини ҳамкорлигимизнинг айрим қирралари сифатида келтириш мумкин.

Коммуникация борасидаги ҳамкорликни ҳам таъкидлаб ўтса бўлади. Масалан, ЮНЕСКОнинг техник ёрдами билан республикада ўқув медиа маркази очилган. «Олтин мерос» жамғармасида «маданий ёдгорликлар тармоғи» ишга тушишида ташкилотнинг техник ёрдами катта бўлди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида компьютер ўқув маркази ташкил этилиши ҳам ЮНЕСКО билан коммуникациявий ҳамкорлик кўламини кўрсатади.

Кеча ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилганига роппа-роса 8 йил тўлди. Яъни, 1994 йилнинг 1 мартидан БМТнинг болалар жамғармаси ҳисобланувчи мазкур ташкилотнинг пойтахтимизда ваколатхонаси бор. Нобель мукофоти билан тақдирланган ЮНИСЕФ анемия, йод тақчиллиги, ўткир респиратор хасталикларига қарши курашда бизга амалий ёрдам бериб келмоқда. Соғлиқни сақлаш, эмлаш борасидаги дастурлар бўйича ҳамкорликда семинарлар ўтказилди. Икки ёшгача бўлган болаларни эмлаш борасида ЮНИСЕФнинг ёрдами беқиёс бўлаётир.

ЮНФПА, яъни БМТнинг аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги фаолияти 1993 йилда бошланди. Жамғарманинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси эса 1997 йилда очилган. ЮНФПАнинг ҳамкорлиги оилани режалаштириш, репродуктив саломатликни таъминлаш, соғлом авлодни вояга етказиш каби мақсадларни қамраб олади. Бирғина 1994—1999 йилларда бу борада жамғарма мамлакатимизга 5 миллион 301 минг АҚШ долларига тенг миқдорда ёрдам берган. 2000—2004 йилларга мўлжалланган дастурлар эса 7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ёрдамни кўзда тутган.

Юқорида келтирилган маълумотлар билан Ўзбекистон — БМТ ҳамкорликларининг айрим қирраларигагина назар ташладик. НАТО қароргоҳида бўлганимизда альянс бош котибининг ўринбосари Александро Риззонинг мамлакатимиз ҳақида айтган гапи ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглаб турибди: «Ўзбекистон дунё ялпи хавфсизлигининг истеъмолчиси эмас, фаол бунёдкорларидан бирига айланиб бормоқда». Бу мисол билан айтмоқчиманки, БМТ билан ҳамкорликда ҳам Ўзбекистон фақат «истеъмолчи» бўлиб қолаётгани йўқ. Халқаро ташкилотнинг юксак минбарларидан ўз сўзимизни, ўз позициямизни айтаяпмиз. Глобал муаммоларни ўртага ташлаб, жаҳон ҳамжамияти эътиборини унга қаратаяпмиз.

Масалан, Президентимиз Ислом Каримов БМТнинг минг йиллик саммитида халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг дунё хавфсизлигига таҳдиди борасидаги глобал муаммони ўртага ташлаган. Орадан бир йил ўтиб, 11 сентябрда АҚШдаги даҳшатли терror орқали бу дунё ҳамжамияти «кўзини» очиб қўйди.

Умуман, БМТ билан ривожланиб бораётган ҳамкорликларимизга мамлакатимизда юритилаётган одилона сиёсат, дунё ҳамжамиятидаги обрўйимиз, тараққиётнинг ўзимизга мос ва ўзимизга хос йўлини танлаганимиз сабаб, деб ўйлайман.

Капитан А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Экономика. Наука. Техника

СОСТАВЛЕНА КАРТА МОЛНИЙ

Исследователи НАСА составили карту молний с полной детализацией их распределения по широте, долготе и времени года. Данные были получены со спутников. Карта распределения молний показала, что Флорида, находясь в зоне столкновения ветров с Восточного и Западного побережья, обладающими разными температурами, является зоной ураганов и гроз. Поэтому здесь молнии бьют чаще, чем в любых других регионах континента. Вторая «молниеопасная» зона — Гималаи. Здесь ландшафт способствует соединению воздушных потоков со стороны Индийского океана. Третья опасная зона — экваториальная территория Центральной Африки, где виной всему — ветры Атлантического океана.

(По материалам печати).

● ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Тошкент вилояти «Ғиштқўпоик» божхона мажмуи ходимлари қўшни давлатдан мамлакатимизга ноқонуний тарзда олиб кирилаётган кўплаб халқ истеъмоли моллари ни тўхтатиб қолди.

Божхоначилар «ГАЗЕЛЬ» машинасини тўхтатганида, унинг юкхонасида 15 миллион 302 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари борлиги маълум бўлди. Ҳайдовчи божхоначиларнинг саволларига жавоб топа олмай ер чизиб турганида, юк эгаси— У. Тўхтаев пайдо бўлди. У ўзининг «ГАЗ-24» машинасида юкни орқаводан кузатиб келаётган экан.

Эгри ниятли одам хилват йўллардан юриши табиий. Божхоначилар ҳам анойи эмас. «Зах» божхона масқани ходимлари фуқаро А. Каримов бошқарувидаги «КамАЗ»ни тўхтатиш билан яна бир қонунбузарликка чек қўйди. Бу қонунбузар 14 тонна шакарни Қозоғистонга олиб яширинча чиқиб кетаётган экан.

Фуқаро У. Нарзиев эса 10 тонна этил спиртини «КамАЗ» машинасида Тожикистондан мамлакатимизга хуфиёна олиб кираётганида божхона ходимларига дуч келди. Энди у ҳам қонун олдида жавоб беради.

Б. НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ПОЛЬЗУЕТСЯ ПОПУЛЯРНОСТЬЮ

Большой популярностью у воинов подразделения, где заместителем командира по воспитательной работе служит лейтенант Д. Турсунов, пользуется комната общественно-политической информации. И этому во многом способствуют ее оформление и содержание проводимой в ней работы.

Внимание каждого, кто сюда заходит, привлекают материалы наглядной информации. Их назначение состоит в том, что с помощью изобразительных средств они влияют на сознание и чувства воинов, доходчиво разъясняют внутреннюю и внешнюю политику нашего государства, идущего по пути независимости, требования к Вооруженным Силам, задачи, стоящие перед подразделением.

На видном месте вывешены текст Военной присяги, выдержки из Конституции Республики Узбекистан, Закона «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» и общевоинских уставов. Добротно смонтирован стенд «Жизнь взвода». На нем наглядно отражены задачи воинов, ход соревнования, опыт отличников учебы и классных специалистов. Содержательными, яркими, выразительными и вместе с тем скромными по оформлению выглядят и другие стенды.

— Материалы наглядной информации у нас систематически обновляются, — рассказывает лейтенант Д. Турсунов, — дополняются свежими цифрами, фактами, иллюстрациями. Ведь если одни и те же плакаты, схемы, фотографии висят по нескольку месяцев, они теряют свою злободневность, перестают интересовать воинов, а значит, утрачивают и воспитательное значение. Поэтому мы заботимся о том, чтобы все наиболее значительное, что происходит в нашей стране, в Вооруженных Силах, в мире, все, чем живет личный состав подразделения, своевременно находило отражение в наглядной информации.

Благодаря оперативности членов совета комнаты общественно-политической информации, воины своевременно знакомятся с выступлениями Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова, знают, что происходит в мире, родной стране.

В комнате общественно-политической информации проводятся различные мероприятия. В свободное время воины с большим желанием идут сюда, чтобы почитать свежие газеты и журналы, посмотреть телевизионную передачу, послушать радио, сразиться в шахматы, шашки, написать письма родным и друзьям. Она стала любимым местом отдыха личного состава.

Всю работу, проводимую в комнате общественно-политической информации, планируют и организуют командир и его заместитель по воспитательной работе.

Большую роль в этом играет совет, который возглавляет младший сержант Р. Азимжанов.

Командир и его заместитель регулярно собирают членов совета комнаты общественно-политической информации, вместе с ними намечают порядок проведения бесед, тематических вечеров, коллективных просмотров, телевизионных передач, шахматных турниров и других интересных мероприятий, распределяют обязанности между активистами. А сейчас здесь идет деятельная подготовка к Наврузу.

— Члены совета нашей комнаты,— говорит его председатель младший сержант Р. Азимжанов, — имеют постоянные поручения. Например, рядовые Ю. Кахрамонов и Д. Панкратов отвечают за обновление материалов наглядной информации. Подшивка газет возложена на рядового А. Ходжаева. Организация культурного досуга — на рядового М. Норкулова. И надо сказать, что все они добросовестно относятся к своей общественной работе.

В вечернее время всегда многолюдно в комнате общественно-политической информации. «На огонек» часто заходят сюда офицеры, запросто беседуют с солдатами и сержантами обо всем, что их интересует. Это взаимно обогащает и тех, и других, помогает еще теснее сплачивать воинский коллектив, поднимать сознательность и активность личного состава.

С. БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

Капитан Айнақуловлар оиласида



Ҳарбий қисмдаги фаолиятимизни якунлаб, меҳмонхонага келганимизда соат кечки тўққизга яқинлашиб қолган эди. Меҳмонхона КЭЧга қарашли бўлиб, ярмида ҳарбий хизматчилар оилалари билан истиқомат қилишар, маълум қисми эса меҳмонларга мўлжалланган экан. Бу ерда яшаётган ҳарбийларнинг оилалари, уларга яратилган шароит билан танишиш ниятимни бизга ҳамроҳлик қилиб юрган қисм клуби бошлиғи лейтенант Алишер Агзамовга яна бир бор эслатиб қўйдим. Аммо бевақт ташриф буюриш ноқулайлиги сабаб Алишерни оилалардаги вазиятни билиб келиш мақсадида «разведкага» юбордик. Тезда қайтиб келган ҳамроҳимиз бизни капитан Иброҳимжон Айнақуловлар хонадонига бошлади.

Ҳали ҳарбий либосини ечиб улгурмаган Иброҳимжон ва унинг турмуш ўртоғи Дамирахон бизни очиқ чеҳра билан қарши олишди. Шарқона жиҳозланган шинам хонадаги хонтахта ёнидан жой олгач, хонадон эгалари билан суҳбатни бошладик.

Қаҳрамонларимизнинг ҳар иккалалари ҳам Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидан. Иброҳимжон Тошкент давлат ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтини, Дамирахон эса Тошкентда медицина билим юртини тамомлаган. Юрт тинчлиги учун камарбаста бўлиш энг олий хизмат эканлигини ҳис қилган Иброҳимжон ҳарбий соҳа вакили бўлишга қарор қилди. У дастлаб Термиз гарнизонидаги ҳарбий қисмда олти йил давомида техника бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатди. Ҳозирда у Ангрен гарнизонидаги ҳарбий қисмда батальон командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари. Касбига фидойи бу йигитнинг хизмати муносиб баҳоланиб у яқинда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди.

«Эркак қаерда бўлса, аёли ҳам ўша ерда бўлмоғи керак» дейилганига амал қилиб, Дамирахон турмуш ўртоғининг ҳарбий ҳаётига доимо елкадош. Ўғиллари Илҳомжон ва Асқаржонларни оқ ювиб, оқ тараб умр йўлдошининг хизматдан қайтишини интизорлик билан кутиб турадиган аёллардан. Хонага эътибор бераман. Барча нарса жой-жойида, ораста ва озода. Оила учун зарур бўлган барча жиҳозлар етарли.

Аммо ҳар тўкисда бир айб деганларидек, хоналардаги иситиш батареяларининг ишламаётгани диққатимизни тортди. Чунки хонадон эгалари электр печкалардан фойдаланишаётган эди. Асқаржон:

— Бу муаммо яқинда ижобий ҳал бўлади, деб умид қиламиз. Ҳарбий қисм ва хонадонлар учун алоҳида иситиш маркази қурилаяпти. Тез кунларда ишга тушиши керак,— деди.

Умуман олганда, хонадон эгаларининг кайфияти, дилкаш суҳбатлари ҳаётларидан мамнунлик ифодаси эди. Биз ҳам капитан Иброҳимжон Айнақуловлар хонадонини яхши кайфият билан тарк этдик. Чунки Ватан тинчлиги йўлида бедор ҳарбийларимизнинг оилаларида ором бўлишига нима етсин!

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
К. ТЎРАЕВ суратга олган.

Шарқ мунажжимлари башорати

ТОҒ ЭЧКИСИ бу ҳафтада ишхонадаги ўз мажбуриятларини камайтиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Бунда раҳбарият томонидан танқидга учрамаслик йўлини қидиринг — раҳбарлар билан муносабатларни бузиш керак эмас, чунки бу сизнинг янги лавозимга кўтарилиш ёки янги қизиқарли иш олиш билан боғлиқ режаларингизга ҳалақит қилиши мумкин.

ҚОВҒАлар бу ҳафтада бизнес бўйича ҳамкорлар билан музокараларда юқори хушмуомалалик ва дипломатия намойиш қилишлари зарур бўлади. Бўлажак учрашувларга жиддий ёндашинг, чунки улар натижасида эришилган келишув ва шартномалар сиз учун жуда муҳим ва фойдали бўлади. Севги бобида сизни ҳаяжонли воқеалар кутмоқда.

Келаси ҳафтада **БАЛИҚ**лар ўзларининг иш режаларини келажакда муваффақиятли амалга ошириш учун етишмаётган имкониятларни қидириш билан машғул бўлишларига тўғри келади. Ишхонада касбдошларга эътиборли бўлинг: улар устоз ва мураббий деб биладилар, шунинг учун улардан ёрдам ва маслаҳатингизни аяманг.

ҚУЙлар бу ҳафтада сирли ҳомий ёрдамида кўпгина касбий муаммоларни ҳал қилишга эришадилар. Айнан у сизда мақсадга эришиш йўлида ўз қобилиятингизга ишонч уйғота олади. Шахсий фронтда янги қизиқарли учрашув ва танишувлар бўлиши мумкин. Фақат эҳтиёткорликни унутманг, акс ҳолда севги бобида алданишингиз мумкин.

БУЗОҚларнинг келгуси ҳафтадаги муваффақиятлари тўғридан-тўғри уларнинг вазиятни таҳлил қилиш ва ўз вақтида ҳаракат қила олиш қобилиятларига боғлиқ бўлади. Давлат хизматидагилар раҳбариятнинг муҳим топшириғига тайёр бўлишлари керак. Бизнес ва тижорат билан шуғулланувчилар касбий фаолликлари натижасида фойдали буюртма ёки қўшма лойиҳада иштирок этиш учун қизиқарли таклиф олишлари мумкин.

Тижорат фаолияти билан шуғулланувчи **ЭГИЗАК**лар учун келаси ҳафта унчалик қулай келмайди. Омад сиз томонда бўлмайди, шу сабабли ҳамкорлар билан алоқалар қийинлашади, натижалар эса қилинган ҳаракатларни оқламайди. Бу давлат хизматидагиларга ҳам тегишли: раҳбарларнинг бошқа ишга ўтказиш ёки иш ҳақини ошириш ҳақидаги ваъдаларига ишонманг.

ҚИСҚИЧБАҚАларга бу ҳафта касбдошлар билан дўстлик ва иш юзасидан алоқаларни тиклаш учун қулай бўлади. Шу билан бир вақтда ишда олдингизга катта вазифалар қўйманг, чунки, мунажжим огоҳлантиришича, сизни алдов ёки умидсизлик кутмоқда. Севги бобидаги саргузаштлардан узоқроқда бўлинг, чунки уларнинг оқибати сиз учун бутунлай кутилмаган бўлиши мумкин.

Келаси ҳафта **АРСЛОН**ларга фойдали истиқболлар очиб беради. Сизнинг юқори ташкилотчилик қобилиятингиз ва вақтни оқилона тақсимлай олишингиз иш натижаларига яхши таъсир кўрсатади. Ўзларини бизнес ва тадбиркорликда синаб кўраётган Арслонларга тижорат операциялари катта муваффақият келтириши мумкин. Севги бобида сизни яқин кишингиз тайёрлаётган кўплаб ёқимли совғалар кутмоқда.

Келаси ҳафта **ПАРИЗОД**лар учун ўзгаришлар вақти бўлади ва муҳим ҳаётий ишлар билан нишонланади. Бу, мунажжим фикрича, ишда юқори лавозимга кўтарилиш ва бу билан боғлиқ янги масъулиятлар бўлиши мумкин. Бунда сиз ўзингизнинг бор мафтункорлик ва қатъийлигингизни ишга солсангиз, юқори натижаларга эришишингиз мумкин. Молиявий соҳада Паризодларнинг барча иқтисодий лойиҳалари муваффақиятли бўлади.

ТАРОЗУлар учун келаётган ҳафта — севги, совғалар, харидлар, ютуқлар вақти. Санъат билан шуғулланиш, ўткир зеҳнлилар билан мулоқот муваффақиятли бўлади. Транспорт соҳасида муаммолар бўлиши мумкин — сиз ўз автомобилингиз ҳақида қайғуриб, уни кўрикдан ўтказиб қўйинг. Бизнесменлар учун ҳам, давлат хизматидагилар учун ҳам юлдузлар ишларда омад ваъда қилишмоқда. Шахсий фронтда ҳам Тарозуларни омад кутмоқда.

ЧАЕНларни мунажжим раҳбарият билан қарама-қаршиликдан огоҳ қилмоқда, чунки барча ҳолатлар сизга қарши шайланган. Сизнинг иккинчи ролларда ўйнашни истамаслигингиз бошлиғингизни аччиқлантирувчи омил бўлиши ва сизнинг аҳволингизга таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун, энг яхшиси, вақтинча ишлардан узоқлашганингиз ва ўзингиз учун келажакда қайси соҳада фаолият кўрсатишни аниқлаш ва шунга режалар тузиш билан шуғулланганингиз маъқул.

ЎҚОТАРларга бу ҳафта кўчмас мулк ва янги лойиҳалар бошлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш вақти бўлади. Бу сиздан шайлик ва вазминликни талаб этади. Бу ҳафтада севимли кишингиз билан кўпроқ вақт бирга бўлишга ҳаракат қилинг—бу иккалангиз учун ҳам яхши бўлади.

● ТУҲФА

Омон бўлсин қариялар

(РИВОЯТ)

Айтай сизга бир ҳикоят,
Бордир шундай бир ривоят:
Жуда қадим замонларда,
Аллақайси томонларда
Бир ёш подшо бўлган экан,
Айрим одам кўрган экан.
Ўзича бир Фармон қипти,
Гўё халққа дармон қипти.
Кексалардан наф йўқ депти,
Менда бошқа гап йўқ депти.
Битта қўймай осинг депти,
Бажаришга шошинг депти.
Қутулмайсан қочиб ахир,
Подшо амри вожиб ахир.
Шундан кейин ғалат бўлган,
Юртда қандай ҳолат бўлган?
Қулоқ тутинг, айтаман мен,
Дардим тўкмай, қайтаман мен.
Тўй-томоша, маъракa йўқ,
Қозонда ҳам барака йўқ.
Йўқоларкан капкирлар-ай,
Гар бўлмаса кампирлар-ай.
Чойхонанинг тўри қани?
Гурунги зўр сўри қани?
Бўлмаса гар юртнинг чоли,
Қуриб қолар терак, толи.
Тарбиянинг ҳар томони,
Кемтик бўлар энг ёмони.
Бу яшашдан борми мақсад,
Кексаларсиз ҳаёт даҳшат.
Қолмабди ҳеч қари зоти,
Едимда йўқ лекин оти,
Бир йигитча падарини,
Унутиб хавф-хатарини,
Ҳаётини сақлаб қопти,
Фарзанд шаънин оқлаб қопти.
Кунлар ўтиб, ойлар ўтиб,
Емғир ёғса лойлар кечиб,
Бир кун подшо йўлга чиқди,
Ўрмондан сўнг чўлга чиқди.
Гапни бурманг сиз ҳазилга,
Етиб борди бир манзилга.
Сувга тўла бир ҳовуз бор,
Куй чалинди, чанқовуз бор.
Ҳозирланди шу ерда жой.
Подшо деди: «Ичамиз чой!»
У ёнбошлаб ётган замон,
Кўз югуртди ҳовуз томон.
Недир кўзга ялтиради,
Мулозимлар қалтиради.
— Бу ҳодиса аломатдир,
Топинг қандай карОматдир!
У томонга чопди бири,
Бу томонга чопди бири.
Сувга тушди қанча ғоввос,
Наф тегмади ҳатто оз-моз.
Лекин жумбоқ ечилмади,
Подшо бўлса кечирмади.
Тегиб роса асабга у,
Минди яна ғазабга у:
— Тўрт томонга чопинг, — деди.
— Сабабини топинг, — деди.
Кунлар ўтди қанча, аммо
Ҳал бўлмади ҳеч муаммо,
Шунда йигит отасини,
Унутиб ўт-сув балосини.
Шоҳ ҳузурига бошлаб келди.
Чол ҳовузга қараб кўрди,
Ўнгга-сўлга қараб кўйди.
Чинор томон бўйлаб туриб,
Шундай деди ўйлаб туриб:
— Ўшанда бир гап бор, — деди.
— Бориб қаранг, наф бор,— деди.
Чинорда бир дур бор экан,
Таралмоқда нур бор экан.
Ечилди-ку жумбоқ шу он,
Ишсиз қолди тўқмоқ шу он.
Ўзин аранг қўлга олиб,
Подшо деди ўйга толиб:
— Кексаларсиз ҳаёт дўзах,
Тирик юрсин майли узоқ.
Қилган ишим беор дейман,
Фармонимни бекор дейман.
Тер тўкмоқлик ёшларга хос,
Донишмандлик кексага мос.
Омон бўлсин боболарим,
Омон бўлсин момоларим!
Тарқатинг тез жорияни,
Хафа қилган қарияни,
Мана шу он, шу палладан,
Калтаклансин юз даррадан!

Абдураззоқ ОБРЎИ.

Юртим севаман

Улуғ аждодларим шу ерда ўтган,
Навоий бобом ҳар сатрида битган,
Мирзо Бобурлари орзиқиб кутган,
Мен фақат ўзимнинг юртим севаман.
Ўзгалар юртини қилмайман ҳавас,
Булбулга не керак олтиндан қафас,
Ўз она элимда олайин нафас,
Мен фақат ўзимнинг юртим севаман.
Ошу ноним энди ошай бемалол,
Тер тўкиб ишлайин, ишлайин ҳалол.
Сўзларим ҳеч кимга келмагай малол,
Мен фақат ўзимнинг юртим севаман.
Истиқлол бизларга шараф-шон берди,
Келажаги порлоқ бир макон берди,
Ҳақиқий дўстларга ҳам имкон берди,
Мен фақат ўзимнинг юртим севаман.
Боболарим руҳи бу кун бўлур шод,
Чунки ҳар жабҳада Ватаним обод,
Дил сўзларин ёзди сизларга Дилшод
Мен фақат ўзимнинг юртим севаман.

Фазлиддин МУИДИНОВ.

БОЛАЛАР РИВОЖИГА АДАБИЁТИ БАҒИШЛАНДИ

Ёзувчилар уюшмасида Болалар адабиёти кенгашининг 2001 йилги фаолиятига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Уюшма раиси Абдулла Орипов бошқарган ушбу тадбирда кейинги йилларда болалар адабиётини ривожлантиришда муайян ютуқларга эришилгани, шу билан бир қаторда кичкинтойлар учун чоп этилаётган китобларнинг камчиликлардан холи эмаслиги таъкидланди. Бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши зарурлиги, миллийлик руҳи билан суғорилган, бадиий жиҳатдан баркамол, болалар психологиясига мос асарлар яратиш зарурлигига эътибор қаратилди.

З. ЭШОНҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ

Буюк Британиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Айрон Хос» ансамбли мусиқачилари «Сўғдиёна» ўзбек миллий чолғулари камер оркестри билан бирга Хотин-қизлар кунига бағишлаб Самарқанд ва Тошкентда концерт дастурини намойиш этади.

— Ушбу концерт истиқлолимиз тенгдоши бўлган оркестримизнинг хорижий санъаткорлар билан илк ҳамкорлиги эмас, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда унинг бадиий раҳбари Феруза Абдураҳимова. — Хусусан, Германия, Франция, Жанубий Корея ва Миср санъаткорлари билан ҳамкорликда талайгина концертлар ташкил этганмиз. Европалик мусиқачилар билан ҳамкорликда компакт-дисклар ҳам ёзилган.

Мухлислар эътиборига ҳавола этиладиган янги дастурдан 20 та ўзбек ва шотланд мумтоз куйи ўрин олган. Концерт Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Британия Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилаётир.

(ЎзА).

● АЖИБ ДУНЁ

ОЛТИНЧИ ҚАВАТДАН...

Руминиялик асабий, тажанг бир киши тутақиб туриб, деразани шартта очдида, ўзини пастга отди. Нақ олтинчи қаватдан!

Буни қарангки, у тирик қолди. Бирор жойи жиддий шикастланмади. Фақат хотирасини батамом йўқотганини айтмаса! Дан Думитру исм-шарифли бу кимса ҳозир ҳам нима учун ўзини деразадан ташлаганини эслолмайди. Нуқул ўзига-ўзи: «Ўша куни менга дераза олдида пишириб қўювдими? — деган саволни берганиберган.

ИККИ БОШЛИ ҚИЗ

Америка ғарбидаги бир ҳудудда икки бошли қиз туғилди. Унга (аниқроғи, уларга) Абигейл ҳамда Бриттини деб исм қўйишди. Тўрт ойлик бўлганида, дўхтирлар жарроҳлик усули билан икки бош ўртасидаги учинчи қўлни олиб ташлашди. Қизларнинг ўзини жарроҳлик усули билан бир-биридан ажратиш мумкин эмас экан. Сабаби, уларнинг уч ўпкаси, уч бўйраги, икки ошқозони бор бўлса-да, юрак билан жигар битта. Айни вақтда эгизак қизлар ота-онасининг уйида тарбияланмоқда.

ОМАД ВА...

Норвегиялик бир талончи дўконга кириб, сотувчига қурол ўқталди-да, барча лотерея чипталарини олиб чиқиб кетди.

Уйига келган ўғри чипта рақамларини текшириб кўрса, бирига нақ 10 миллион доллар ютуқ чиқиб турибдида! Пулни олай деса, хатарли, олмай деса, 10 миллион-а!.. Охири нафси ғолиб келиб, ютуқни олгани борди. Полиция уни шартта ушлаб олди. Ана сизга омад ва омадсизлик!

УТА СЕЗГИР «БУРУН»

Англиялик олимлар авиакомпанияларнинг буюртмасига биноан янги электрон асбоб яратишди. Бу қурилма ёрдамида йўловчилар юки орасида портлагич модда ёки қурол-яроғ бор-йўқлиги аниқланади. «Электрон бурун» ҳар қандай портлагични, ҳатто микроскопдагина кўринадиган даражада кичик бўлса-да, аниқлайди.

АНТИҚА СОАТ

Американинг «Хью-Летт-Паккард» фирмаси ҳам ажойибликда тенги йўқ соат яратди. У жуда аниқ юради. Фақат 1,6 миллион йилдагина бир сонияга адашиши мумкин, дейишмоқда мутахассислар.

ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Сайёрамиздаги энг қадимги ҳайвонот боғи эрамиздан аввалги 1 асрда Рим императори Август буйруғи билан ташкил этилган. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган 3 минг 500 жонивор яшаган.

ҚУЁШСИЗ — 91 КУН!

Италияда Иозербург деган ғаройиб бир қишлоқ бор. Унинг ғаройиблиги шундаки, ҳар йили қиш ойларида қишлоқда қуёш умуман юзини кўрсатмайди. Сабаби — тоғлар тўсиб қолади. Қишлоқ аҳолиси 91 кун қуёшсиз яшайди.

ПОЧТАЧИ КЕНГУРУ

Хоппи лақабли кенгуру ўзига юклатилган почтачилик вазифасини қойилмақом тарзда уддалаяпти. Хўжайини Артур Клив жониворнинг қобилиятидан унумли фойдаланмоқда.

Гап шундаки, икки акауканинг уйлари бир-бирларидан 20 км узоқликда жойлашган. Шунинг учун улар мактуб орқали мулоқот қилиб туришади. Хатни эса хонаки кенгуру қорнидаги халтасида ташийди. Мана, уч йилки, ака-ука шу жонивор орқали хабарлашиб туришибди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳали бирорта юборилган мактуб йўқолгани йўқ.

СКАНВОРД



Ф. ОРИПОВ тузди.

Этот пестрый мир

МАССОВАЯ ГИБЕЛЬ?

По оценкам экспертов Всемирного фонда дикой природы, в марте может начаться массовая гибель копытных в Приморье. В январе 2002 года количество снега в юго-западных районах Приморского края превысило пятимесячную норму. Глубина его достигает 70 см, а на перевалах — до 1,5 метра. Для основных видов копытных, обитающих в Приморье, глубина снега в 40 см уже является критической. В первую очередь будут гибнуть пятнистый олень и косуля, являющиеся главными кормовыми ресурсами для дальневосточного леопарда и амурского тигра, а также основными охотничьими видами для охотников-любителей.

«БЕЗОБИДНАЯ» ДЕТСКАЯ ЗАБАВА

Джип «Хаммер» стоимостью 84 тысячи долларов получил капрал Корпуса морской пехоты США Джон Харвелл, победивший недавно в проводившемся на Гавайях конкурсе по метанию бумажных самолетиков. Для этого ему пришлось доказать, что он — лучший из 250 участников соревнования, спонсором которого выступил продавец автомобилей из гавайской столицы Майк Маккена. Морскому пехотинцу удалось попасть самолетиком в отверстие диаметром около 20 сантиметров с расстояния порядка 15 метров. Харвелл, как выяснилось, тренировался в этом «виде спорта» на службе, где кидал «летательные аппараты» из бумаги в своих коллег и чаще всего не промахивался.

(По материалам печати).

Бош муҳаррир ўринбосари подполковник Х. ЖУМАНАЗАРОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: г. Ташкент, 700031 ул. Д. Кумаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 098.